

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУХИТДИНОВ ШУХРАТ ЗИЯВИТДИНОВИЧ

КЎП ТАРМОҚЛИ ХЎЖАЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(фермер хўжаликлари мисолида)

08.00.13 – Менежмент
08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in economic sciences**

Мухитдинов Шухрат Зиявитдинович

Кўп тармоқли хўжалик тузилмалари фаолиятини бошқариш
механизмларини такомиллаштириш (фермер хўжаликлари
мисолида).....3

Мухитдинов Шухрат Зиявитдинович

Совершенствование механизмов управления деятельностью
многопрофильных хозяйственных структур (на примере фермерских
хозяйств).....29

Mukhitdinov Shuxrat Ziyavitdinovich

Improvement of management mechanisms of multifactoral economic
structures (in case of farms)55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications.....59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУХИТДИНОВ ШУХРАТ ЗИЯВИТДИНОВИЧ

КЎП ТАРМОҚЛИ ХЎЖАЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(фермер хўжаликлари мисолида)

08.00.13 – Менежмент
08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Iqt774 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Казаков Олим Сабирович

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Махмудов Носир Махмудович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ходжимухамедова Шохидат Ибрагимовна

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «23» декабр соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49.Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tsue@tsue.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1016 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72. e-mail tsue@tsue.uz.)

Диссертация автореферати 2020 йил «10» декабрь куни тарқатилди.

(2020 йил «10» декабрдаги 39 рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

К.Б. Ахмеджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда миллий иқтисодиёт таркибий тузилмаларининг самарали шаклланиши, жумладан, иқтисодиётнинг тармоқ ва секторлари, турли кўламдаги ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабат ва мувофиқ хўжалик алоқаларининг амал қилиши муҳим ўрин тутди. Айниқса, рақобатнинг кучайиши ва иқтисодий фаолиятнинг диверсификациялашуви шароитида кўп тармоқли хўжалик тузилмаларининг ахамияти катта бўлиб, улар фаолиятини самарали бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон мамлакатлари қишлоқ хўжалиги тармоғида кўп тармоқли фермер хўжаликлари марказий бўғин ҳисобланиб, улар фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш орқали тармоқ самарадорлигини таъминланмоқда.

Ҳозирда дунёнинг етакчи илмий марказлари ва илмий тадқиқот муассасалари, етакчи мутахассис ва олимлари томонидан кўп тармоқли хўжалик тузилмалари фаолиятини самарали бошқаришнинг кўплаб илмий йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Интеграциялашган хўжалик тузилмаларини ривожлантириш стратегияларини шакллантириш асосий ёндашувларини такомиллаштириш, кўп тармоқли хўжалик тузилмалари фаолияти синергетик самарасини ошириш, ишлаб чиқариш миқёсларини ўстириш, диверсификация даражасини кучайтириш орқали юқори молиявий натижага эришиш, уларда инновацион бизнес элементларини шакллантириш, жумладан, фермер хўжаликлари фаолиятини бизнеснинг тўлиқ циклининг ҳосил бўлишига имкон яратувчи ёндош тармоқлар ишлаб чиқаришига йўналтириш орқали самарадорликни ошириш каби илмий йўналишлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда кўп тармоқли хўжалик тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқариш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим бўғинини ташкил этади. Бу борада кўп тармоқли фермер хўжаликлари, яъни «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари билан шуғулланувчи»¹ хўжаликлар фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур хўжалик тузилмалари Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган «Аграр тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда халқимиз турмуш сифати ва моддий фаровонлигини ошириш»² вазифаларини бажаришда етакчи роль ўйнайди. Шунга кўра, кўп тармоқли хўжалик тузилмалари фаолиятини

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 ноябрдаги 972-сон қарорига Илова. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида Низом.- <https://lex.uz/docs/4086988>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // «Халқ сўзи» 2017 йил 8 февраль, 28 (6722)-сон.

бошқариш механизмларини такомиллаштиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йилнинг 10 октябридаги ПҚ-3318-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 ноябрдаги 972-сон «Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги 362-сон «Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу илмий тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Интеграциялашган хўжалик тузилмаларини ривожлантириш стратегияларининг илмий асослари, уларда меҳнат тақсимооти, бошқарувнинг табақалашуви ва кўп бўғинлилиги, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларида бошқариш назарий ва амалий масалалари А.Файоль, Г.Эмерсон, Г.Форд, Ф.Тэйлор, ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг барча муаммоларга инсон муносабатлари нуқтаи назаридан ёндашувлар Е.Мауо, Ф.Ротлисбергер, У.Диксон, бошқарувдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш П.Друкер, Е.Миллер, С.Хейман, Т.Тулеха, П.Недиргард, Э.Касл, М.Беккер, А.Нельсон³ томонидан тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатлари мутахассис ва олимларидан З.Н.Козенко, И.А.Петерс, И.А.Шмырева, А.Гешель, И.Н.Кравовская, Ю.Ю.Слушкина, В.И.Маколев, О.С.Сухарев, С.В.Шманев ва Д.В.Ходос кабилар⁴ қишлоқ хўжалиги

³ Файоль А., Эмерсон Г., Тэйлор Ф., Форд Г. Управление – это наука и искусство. / Изд. Республика.-1992. - 355.; Фредерик Уинслоу Тейлор. Принципы научного менеджмента. – М: 1991. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. – 03.06.2010. URL: <https://gtmarket.ru/laboratory/basis/3631>; Е.Мауо, Ф.Дж. Ротлисбергер, Уильям Дж.Диксон. «Management and the Worker: An Account of a Research Program Conducted by the Western Electric Company», Hawthorne Works, Chicago 1939. http://dps.smr.tlc.ru/Sheldrake/11_Mayo.htm; Друкер П.Ф. Задач менеджмента в XXI веке. – М.: Вильямс, 2007.; Роберт Е.Миллер, Стивен Хейман, Тэд Тулеха. Успешный менеджмент крупных сделок. // Изд. Лори, 2008. – 304. ISBN 978-5-85582-266-3.; Nedergaard, Peter (July 2006). «The 2003 reform of the Common Agricultural Policy: against all odds or rational explanations?». *Journal of European Integration*. Taylor and Francis. 28(3): 203-223. doi:10.1080/07036330600785749; Касл Э., Беккер М., Нельсон А. Эффективность фермерского хозяйства. – М.: Агропромиздат, 1991. 495 с.

иктисодиётида бошқарув механизмлари, самарадорликка таъсир этувчи омиллар борасида илмий изланишлар олиб борган.

Ўзбекистонда мураккаб хўжалик тузилмаларини бошқариш, меҳнат жамоасининг муваффақиятини таъминлаш сир-асрорларини ҳамда менежмент бошқарув фаолиятининг умумий қонуниятлари ва тамойиллари, бошқарув бўғинининг аниқ вазиятлардаги ҳаракатлари ва фермер хўжалиги фаолитятини ривожлантириш масалалари С.С.Ғуломов, М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, Ш.Н.Зайнутдинов, Г.Н.Ахунова, Т.Х.Фарманов, Н.С.Хушматов, Н.Йўлдошев ва Э.Қўлдошев⁵ каби олимларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Ушбу олимлар томонидан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқаришнинг назарий асослари, соҳани ривожлантириш хусусиятлари тадқиқ этилган. Бироқ, кўп тармоқли фермер хўжалиги бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмлари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Наманган давлат университетининг ПЗ-20170929525-рақамли «Наманган вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва сотишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўп тармоқли хўжалик тузилмалари, хусусан, фермер хўжаликлари фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўп тармоқли хўжалик тузилмаларини бошқаришнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш;

иктисодиётни ривожлантиришда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ўрнини баҳолаш;

кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини бошқаришнинг назарий жиҳатларини ўрганиш;

кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини таҳлил қилиш ва унда самарали бошқаришни ташкил этиш муаммоларини аниқлаш;

Ўзбекистонда кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

⁴ Козенко, З.Н. Особенности экономической интеграции в аграрной сфере России / З.Н.Козенко, И.А.Петерс, И.А.Шмырева // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. – 2014. – № 1. – С. 45-47.; Гешель, А. Взаимовыгодное сотрудничество – путь к росту доходов сельхоз-товаропроизводителей / А. Гешель // АПК: экономика, управление. – 2008. – № 6. – С. 67-69.; Ходос, Д.В. Экономический механизм обеспечения устойчивого развития сельскохозяйственного производства региона/ Д.В.Ходос. – М., 2009.

⁵ Ғуломов С.С. Менежмент. – Т.: «Шарқ», 2002. – Б. 368.; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 2001. – Б. 451.; Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. – Т.: «Молия», 2002. – Б.; Фармонов Т.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари. – Монография. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – Б. 143.; Хушматов Н.С. Дехқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 1994., Йўлдошев Н., Қўлдошев Э. Менежмент асослари. – Т.: «Иқтисодиёт», 2008. – Б. 6.

кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи омилларни эконометрик таҳлил усуллари орқали баҳолаш;

Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулот ҳажми ўзгаришининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш асосида кўп тармоқли хўжалик тузилмалари фаолиятининг бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган вилоятидаги кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб кўп тармоқли хўжалик тузилмалари, хусусан, фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий гуруҳлаш, қиёсий таҳлил қилиш ва танлама кузатиш, статистик ҳамда кўп омилли эконометрик таҳлил, прогнозлаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошқарувнинг вертикал ва горизонтал алоқаларини самарали ташкил этиш имконини берувчи чизиқли-функционал бошқарув тизимидан фойдаланиш асосида кўп тармоқли хўжаликларда иқтисодий фаолият турларини диверсификациялашни кенгайтириш таклифи асосланган;

кўп тармоқли хўжаликларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлмаган фаолият йўналишларини танлаш бўйича қарорларни кўп мезонли таҳлил қилиш орқали амалга ошириш таклифи асосланган;

кўп тармоқли хўжалиги таркибида ташкил этилган ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини бошқаришнинг меъёрий-услубий талаблари, фермер хўжалиги раҳбарининг малака ва кўникма компонентларини мувофиқлаштириш орқали такомиллаштирилган;

хўжаликларни ташкил этиш ва ривожлантириш натижасида Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулот ҳажми ўзгаришининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўп тармоқли хўжалик тузилмаларини бошқаришнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш асосида уларнинг қишлоқ хўжалиги тармоғидаги намоён бўлиш хусусиятлари аниқланган;

иқтисодиётни ривожлантиришда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ўрнини баҳолаш, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва самарали бошқаришни ташкил этишдаги мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни баратараф этиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилиб, унинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган;

кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи омилларни эконометрик таҳлил усуллари орқали баҳолаш асосида Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулот ҳажми ўзгаришининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, эконометрик ва математик усулларнинг асосланганлиги, статистик маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги ва тегишли хулоса, таклифларнинг мутассади ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқаришнинг назарий методологик тузилмаси ҳамда кўп тармоқли таснифланган ривожланиш омилларидан фермер хўжаликларини самарали бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш, замонавий услубий ёндашувларни қўллашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти сифатида кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви ва унда ўз мавқеига эга бўлиш стратегик мақсадларини аниқлаш ва улар асосида истиқболли дастурларини шакллантиришда, шунингдек, назарий ва статистик материаллардан олий таълим муассасаларида «Менежмент» ва «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ҳамда ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп тармоқли хўжалик тузилмалари фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бошқарувнинг вертикал ва горизонтал алоқаларини самарали ташкил этиш имконини берувчи чизикли-функционал бошқарув тизимидан фойдаланиш асосида кўп тармоқли фермер хўжаликларидан иқтисодий фаолият турларини диверсификациялашни кенгайтириш таклифи Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг кўп тармоқли фермер хўжаликлар фаолиятига оид қонунчилик асосларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2019 йил 10 декабрдаги 04/4-05-167-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва кўп тармоқли фермер хўжалигининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ривожлантириш омиллари ва унинг механизмларини такомиллаштириш имконини берган;

кўп тармоқли фермер хўжаликларидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлмаган фаолият йўналишларини танлаш бўйича қарорларни кўп мезонли таҳлил қилиш орқали амалга ошириш таклифи Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг кўп тармоқли фермер хўжаликлар фаолиятига оид қонунчилик асосларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2019 йил 10 декабрдаги 4/4-05-167-сон маълумотномаси). Мазкур ELECTRE усулидан фойдаланиш ҳудудларда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг

иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштириш ва иқтисодий ривожлантириш имконини бериб, аҳоли бандлигини 21,2 фоизга ошишига олиб келан;

кўп тармоқли фермер хўжалигини ва унинг таркибида ташкил этилган ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини бошқариш бўйича намунавий йўриқномадан Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг кўп тармоқли фермер хўжаликлар фаолиятига оид қонунчилик асосларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2019 йил 10 декабрдаги 04/4-05-167-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши асосида кўп тармоқли фермер хўжалигининг фаолияти тартибга солинган ва 2018-2019 йилларда кўп тармоқли фермер хўжаликлари самарадорлигини 18 фоизга оширишга эришилди;

кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш ҳамда самарали бошқариш истикболларини баҳолаш бўйича берилган таклифлари Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг кўп тармоқли фермер хўжаликлар фаолиятига оид қонунчилик асосларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2019 йил 10 декабрдаги 04/4-05-167-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харита»сини тузишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этган маҳаллий илмий журналларда 4 та, хорижий журналларда 1 та илмий мақола нашр этилган.


Тадқиқот ишининг тузилиши. Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини бошқаришнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобда кўп тармоқли фермер хўжаликларини самарали бошқариш жараёнларининг назарий ва амалий асослари, асосий тамойиллари ҳамда бошқарув амалиётини ўзига хос хусусиятларига бағишланган.

Тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда «Кўп тармоқли фермер хўжаликларини самарали бошқариш», «Кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқарув фаолияти», «Бошқарув жараёнлари» атамаларининг мазмун-моҳиятига муаллифлик таърифлари берилиб, ушбу атамаларга нисбатан кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ўрганилган. Тадқиқот жараёнида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этишда энг катта эътибор уларни тузиш, фаолият кўрсатиш ва ривожланишининг асоси бўлган хўжалик юриштишнинг қуйидаги тамойиллари ўрганиб чиқилган (1-расм).



1-расм. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этишда хўжалик юриштиш тамойиллари⁶

⁶ Муаллиф ишланмаси.

Умумий, қишлоқ хўжалиги сиёсатида (САР) «Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги учун: озиқ-овқат ишлаб чиқариш, атроф-муҳит ва қишлоқ хўжалиги вазифаси каби уч хил функцияни белгилайди»⁷-деб таъриф берган. Бунда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича натижалар асосан ишлаб чиқариш ҳажми ва бозор кучлари муҳим рол ўйнаши кераклиги тахмин қилинади.

Европа Иттифоқи Комиссиясининг (1999а) маълумотларига кўра, «Қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли фермер хўжаликлари ҳисобланади, чунки у озиқ-овқат ва хомашё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ягона функцияси билан чекланмайди, шунингдек, бошқа функцияларга ҳам эга. Шунинг учун ҳам ушбу соҳа кўп тармоқли фермер хўжаликлари дидир»⁸- деб таъкидлайди.

Тадқиқот ишида фермер хўжаликларининг ривожланишини шартли равишда тўрт даврга бўлинган.

I давр – 1989-1998 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади.

II давр – 1998 йилдан 2004 йилларгача ташкил топган.

III давр – 2004 йилдан 2012 йилгача ривожланиш даври ҳисобланади.

IV давр – 2013 йилдан янги босқичга ўтиш даври.

Биринчи даврда фермер хўжаликларининг шаклланиш даври ҳисобланади. Иккинчи даврда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан бошланади, бу даврда Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари уюшмаси ташкил қилиниб, фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишлари кучайтирилган. Учинчи даврда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар киритилиши асосида фермер хўжалиги таркибида кўшимча хизматларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятни босқичма-босқич ривожлантириш белгиланган. Тўртинчи давр эса, ихтисослашган фермер хўжаликларини кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш даври ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида 2013 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларига мувофиқ кўп тармоқли фермер хўжалигига асос солинишига илк қадам қўйилган.

Республикамизда кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этишнинг меъёрий ҳуқуқий асоси сифатида биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунини келтириш мумкин. Унга кўра, ушбу Қонуннинг 3-моддасида «Кўп тармоқли фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи фермер хўжалигидир» дея таъриф келтирилган.

Бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган ихтисослашган фермер хўжалигида кўшимча тармоқларни ташкил этиш орқали уни кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириш имконияти мавжуд бўлиб, бу борада бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган (2-расм).


⁷ Nedergaard, Peter (July 2006). «The 2003 reform of the Common Agricultural Policy: against all odds or rational explanations?». *Journal of European Integration*. Taylor and Francis. 28 (3): 203-23. doi:10.1080/07036330600785749

⁸ European Commission, 1999a, 1999b, The European Union is committed. <https://scholar.google.com>.



2-расм. Кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси⁹

Тадқиқот ишида кўп тармоқли фермер хўжалигининг функционал имкониятларини назарий ва услубий жиҳатдан мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муайян ҳудудларда фаолият юритадиган умумий функцияларини ҳисобга олган ҳолда, баъзи вазифаларни бажариш самарадорлигига боғлиқ эканлиги эътиборга олинishi келтириб ўтилган (3-расм).



3-расм. Кўп тармоқли фермер хўжалиги вазифалари самарадорлигининг назарий методологик тузилмаси¹⁰

Шунингдек, тадқиқот ишида кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқариш механизми ва унинг самарали ишлаши, динамикаси ва ишни мувофиқлаштириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга мўлжалланган бошқарув схемаси ишлаб чиқилган (4-расм).

⁹ Муаллиф ишланмаси.

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.



4-расм. Кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқариш механизмининг схемаси¹¹

Техник, ташкилий ва иқтисодий тадбирлар белгиланган мақсадга эришиш учун ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг барча даражаларида ягона иқтисодий тизимдаги барча таркибий бўғинларининг ишлаш режимини синхронлаштириш ва изчиллигини таъминлаши керак.

Мамлакат иқтисодиётида кўп тармоқли фермер хўжалиklarини бошқариш тизимини такомиллаштиришда қуйида кўрсатилган хусусиятларни амалга ошириш фермер хўжалиklarининг ривожлантириш, мамлакат қишлоқ хўжалиги ва саноат мажмуасида унинг роли ва аҳамиятини мустаҳкамлашга имкон беради. Бизнинг фикримизча, ушбу бошқарув тизимида қуйидаги асосий қоидаларни ҳисобга олиш керак:

кўп тармоқли фермер хўжалиги иқтисодиётининг асосий вазифаси сифатида унинг яратувчилари даромадининг максимал даражасини эмас, балки бозордаги вазиятнинг барқарорлиги ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлаш;

иқтисодиёт ҳажмини белгилашда унинг умумий харажатлардаги улуши 70 % дан ортиқ бўлган барқарор харажатларни минималлаштириш талабларидан келиб чиқиши керак. Бундан ташқари, иқтисодиётни янада кенгайтириш, асосан ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва ҳамкорлик қилиш ҳисобига амалга оширилишини эътиборда тутиш;

хўжалиқда ишлаб чиқаришнинг паст даражаси ва механизациялашга эга меҳнат унумдорлигини ошириш муаммосини ҳал қилиш, асосан ишчиларнинг

¹¹ Муаллиф ишланмаси.

малакасини ошириш ва рағбатлантирилишига, хўжалик аъзоларини меҳнатидан унумли фойдаланишни оширишга қаратилиши;

кўп тармоқли фермер хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда, маркетинга асосланган савдо каналларини оптималлаштиришга қаратилган афзаллик берилишини кўзда тутиш;

кўп тармоқли фермер хўжалиги иқтисодий фаолиятининг стратегиясини танлашда унинг ҳаётий даври босқичларини, шунингдек, ташқи ва ички муҳит шароитида ўзгаришларни ҳисобга олиш керак.

Бошқарув самарадорлиги унумдорлик ҳам муваффақият гаровидир. Унумдорлик, одатда, ишлаб чиқариш натижасидаги бирликлар миқдорининг (тайёр маҳсулот миқдорини) киришдаги бирликлар (топшириқлар, хомашё) миқдорига нисбатидир (5-расм).




5-расм. Кўп тармоқли фермер хўжалигининг ривожланиш омиллари¹²

Расмда кўп тармоқли фермер хўжалигининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ривожлантириш омиллари ва унинг механизмлари акс эттирилган. Бошқарув самарадорлигида унумдорлик ҳам муваффақият гарови ҳисобланади.

¹² Муаллиф ишланмаси.

Ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш нафақат соҳани ривожлантириш балки, экологик шароитлар билан ҳам боғлиқ. Кўп тармоқли фермер хўжалигини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришнинг табиати ва шарт-шароитлари кўп жиҳатдан унинг хусусиятлари, ишлаб чиқаришда биологик воситалардан фойдаланиш, табиий ва иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнларининг комбинацияси, мавсумий характери, макон тақсимоти, тупроқ ҳамда иқлим шароитига боғлиқлиги ва бошқалар томонидан олдиндан белгиланади. Бу эса ўз навбатида, кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятини вертикал ва горизонтал алоқаларини самарали бошқаришни ташкил этишни таъминлайди (6-расм).



6-расм. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини самарали бошқаришнинг чизикли-функционал модели¹³

¹³ Муаллиф ишланмаси.

Расмда келтирилган модель тартибига асосан, ҳар қандай жараёнда дастлаб ушбу хўжалик фаолияти бошқарув субъектини маълум жиҳатлар билан параметрлаш талаб этилади. Жараёндан чиқувчи маълумотлар бошқариш жараёнини тавсифловчи (динамик ва доимийлик асосида мақсадга эришиш учун масъулиятлилик, таъсирчанлик, услубийлик ҳамда адекватликка қаратилган моделлар тизимидан) муқобиллик модели орқали қайта ишланиб, бошқариш объекти идентификацияланади. Жараёнларнинг тўғри танланган босқичлари асосида амалга ошириш кўп тармоқли фермер хўжалигининг самарали бошқарилишини таъминлайди.

Диссертациянинг «**Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти таҳлили ва уларни самарали бошқаришни ташкил этиш**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ҳамда Наманган вилоят фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Таҳлилларда эконометрик моделлаштиришнинг ELECTRE усулидан фойдаланилган. ELECTRE усули орқали Наманган вилоятида фаолият кўрсатувчи ихтисослашган фермер хўжалиги билан кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятни солиштириш орқали бошқарув самарадорлиги аниқланган.

Замонавий бизнесда ишончли маълумотларга асосланган самарали бошқаришнинг роли бир неча бор ортади. Тўғри ёки нотўғри талқин қилинган маълумотларга асосланган бошқарув хатолари ҳатто йирик хўжаликлар фаолиятини тўхталишига олиб келиши мумкин. Энг янги технологияларга асосланган хўжаликларни бошқариш ва режалаштириш қоидалари корхона стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш билан шуғулланадиган стратегик менежмент томонидан таъминланади. Ушбу концепциянинг кўплаб таърифлари мавжуд, аммо умумий маънода стратегия - бу ўз мавқеини мустаҳкамлаш, истеъмолчилар истакларини қаноатлантириш ва мақсадларига эришишга қаратилган бошқаришнинг узоқ муддатли режаси ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, кўп тармоқли фермер хўжалигининг қайси йўналишда ривожланишини аниқлаш учун стратегия ишлаб чиқилади ва ҳаракатлар усулини танлашда асосли қарорлар қабул қилинади. Кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбарлари томонидан маълум бир стратегияни танлаш хўжалик учун мумкин бўлган ривожланиш йўллари ва усуллариининг барчасидан аниқ ривожлантирадиган битта стратегик йўналишни танлашга қарор қилинганлигини англатади. Стратегиясиз, раҳбарда пухта ўйланган ҳаракат режаси бўлмайди, бизнес дунёсида ўзгармас қўлланма йўқ ва керакли натижаларга эришиш учун ягона дастур ҳам мавжуд эмас.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини самарали бошқариш, шубҳасиз, раҳбардан стратегик фикр юритиш, стратегияни шакллантириш, ишлаб чиқиш ва энг муҳими, уни муваффақиятли амалга ошириш қобилиятини талаб қилади.

Замонавий бошқарувчи ички ва ташқи омилларнинг бир бутунлиги тўғрисида мавжуд ва махсус тўпланган маълумотларни етарли даражада баҳолашга имкон берадиган ғайриоддий таҳлилий маҳоратга эга бўлиши лозим. Бу ўз навбатида, ҳақиқий мақсадларни белгилаш, уларни ўз вақтида (мақсадларни) тузатиш ва натижада уларга эришиш воситаларини сошлаш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, кўп тармоқли фермер хўжаликлари

фаолиятини самарали бошқариш бутун хўжалик ва унинг таркибидаги ишлаб чиқаришларни ҳам бошқаришдаги умумий ёндашувнинг асосидир.

Ҳозирги ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида тўғри ва самарали қарор қабул қилиш учун албатта, илмий асос лозим. Хўжалик истикболи ана шу қабул қилинган қарорга боғлиқ бўлиб, қарорлар мажмуаси кўплаб альтернативалардан иборатлигини назарда тутадиган бўлсак, ҳар бир альтернативанинг баҳоси (бошқа альтернативага нисбатан) нисбийдир. Тадқиқотда бундай мураккаб жараён учун ELECTRE усули (Eliciation Et Choix Traduisant la Realite- истисно ва танлов, ҳақиқатни акс эттирувчи)дан фойдаланиб, ихтисослашган ва кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини самарали бошқаришни баҳолаймиз.

Бунинг учун биринчи навбатда Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган 3 та ихтисослашган (А - Тошпўлот ота, В - Исмоил ўғли Абдуллажон ва С - Азизбобо) ва 2 та (D - Гулҳумор ва Е - Раис Санг) кўп тармоқли фермер хўжаликлари танлаб олинди. Муаммонинг баёни одатда қуйидаги берилган иқтисодий кўрсаткичларни рейтинг шкаласи билан альтернативалар N мезонлар (одатда микдорий), мезонлар оғирлиги (одатда бутун сонлар), мезонлар рейтинги билан баҳоланади (1-жадвал).

1-жадвал

Фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича экспертларнинг 20 баллик шкала баҳоси¹⁴

Кўрсаткичлар	Фермер хўжаликларининг баҳоланиши (баллда)					Параметрлар вазни
	Тошпўлот ота	Исмоил ўғли Абдуллажон	Азиз бобо	Гулҳумор	Раис Санг	
Экин майдони	14	15	19	20	18	18
Пахта ҳосилдорлик	16	13	17	20	14	13
Дон ҳосилдорлик	16	12	17	20	15	11
Режа бажарилиши	16	17	17	19	20	19
Соф фойда	12	13	11	19	20	14
Техника билан таъминланганлиги	15	12	13	20	19	15
Аҳоли бандлиги	14	11	10	20	20	10
Маҳсулот ва хизмат турлари	9	10	13	20	17	15
Бошқариш ҳажми	13	16	14	19	18	17
Тажриба (стаж)	19	20	20	19	15	17
Σ	144	139	151	196	176	149

Ушбу аниқланган қийматлар асосида қўйилган мақсадга энг яхши альтернативаларни (самарали бошқарилаётган фермер хўжаликларини) танлаш, уларнинг самарали бошқаришни баҳолаш ҳисобланади. Бунда А альтернатив В дан устун эканлиги ҳақидаги N мезонларидан иборат I тўплам учта пастки қисмга бўлинган ҳолдаги гипотеза текширилади:

$I^+(x,y)$, А мезони В дан афзал бўлган мезонлар тўплами $y: x > y$;

$I(x,y)$ А дан ошадиган В мезонлар тўплами $x: y > x$;

$I^-(x,y)$ А ва В мезон қийматлари бир хил бўлган мезонлар тўплами $y=x$.

¹⁴ Муаллиф ишланмаси.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини самарали бошқаришда баҳолашни ўрганиш авваламбор, мақсадини аниқлашдан бошланади:

агар ушбу фермер хўжаликларининг ўхшаш кетма-кетлигини аниқлаш зарур бўлса, уларни энг муҳим параметрлар бўйича тўғридан-тўғри таққослаш кифоя қилади;

агар тадқиқотнинг мақсади маълум бир хўжалик тоифаси истиқболларини баҳолаш бўлса, таҳлилда келажақда ўз ўрнига эга бўладиган хўжалик тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, мамлакат стандартлари ва қонунчилигидаги ўзгаришлар ва истеъмолчилар талабининг динамикаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлардан фойдаланиш талаб этилади.

Ҳар бир альтернативанинг жуфтлик учун ҳисобланган индекслари таққосланадиган келишув ва келишмовчилик даражасини белгилайди. Агар розилик индекси белгиланган даражадан юқори бўлса ва келишмовчилик индекси паст бўлса, у ҳолда альтернативалардан бири иккинчисидан устундир. Акс ҳолда, муқобилларни таққослаб бўлмайди. Бу ҳисоб китоблар қуйидаги (1)-формула асосида аниқланади.

$$d_{AB} = \max_{i \in I^-} \left| \frac{l_B^i - l_A^i}{L_i} \right| \quad (1)$$

1-жадвал маълумотлари асосида (1)-формула бўйича аниқланган натижалар (ўлчов узунлиги L=20 билан) қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Фермер хўжаликлари фаолиятини самарали бошқаришда индексларни таққослаш¹⁵

Кўрсаткичлар	AB	AC	AD	AE	BA	BC	BD	BE	CA	CB	CD	CE	DA	DB	DC	DE	EA	EB	EC	ED
Экин майдони	0,05	0,25	0,30	0,20	0,00	0,20	0,25	0,15	0,00	0,00	0,05	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,05	0,10
Пахта ҳосилдорлиги	0,00	0,05	0,20	0,00	0,15	0,20	0,35	0,05	0,00	0,00	0,15	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,10	0,00	0,15	0,30
Дон ҳосилдорлиги	0,00	0,05	0,20	0,00	0,20	0,25	0,40	0,15	0,00	0,00	0,15	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,05	0,00	0,10	0,25
Режа бажарилиши	0,05	0,05	0,15	0,20	0,00	0,00	0,10	0,15	0,00	0,00	0,10	0,15	0,00	0,00	0,00	0,05	0,00	0,00	0,00	0,00
Соф фойда	0,05	0,00	0,35	0,40	0,00	0,00	0,30	0,35	0,05	0,10	0,40	0,45	0,00	0,00	0,00	0,05	0,00	0,00	0,00	0,00
Техника билан таъминланганлиги	0,00	0,00	0,25	0,20	0,15	0,05	0,40	0,35	0,10	0,00	0,35	0,30	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,05
Аҳоли бандлиги	0,00	0,00	0,30	0,30	0,15	0,00	0,45	0,45	0,20	0,05	0,50	0,50	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
Маҳсулот ва хизмат турлари	0,05	0,20	0,55	0,40	0,00	0,15	0,50	0,35	0,00	0,00	0,35	0,20	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,15
Бошқариш ҳажми	0,15	0,05	0,30	0,25	0,00	0,00	0,15	0,10	0,00	0,10	0,25	0,20	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,05
Тажриба (стаж)	0,05	0,05	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,05	0,05	0,00	0,20	0,25	0,25	0,20

¹⁵ Муаллиф ишланмаси.

MAX	0,15	0,25	0,55	0,40	0,20	0,25	0,50	0,45	0,20	0,10	0,50	0,50	0,00	0,05	0,05	0,05	0,20	0,25	0,25	0,30
-----	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------	------

Ҳисоб-китоб натижалари ва жадвал қийматларидан кўринадик, фермер хўжаликлари конфигурацияларининг $\sum d_{AB} \leq 1$ шартига асосан энг устувор фермер хўжалиги D-фермер хўжалиги бўлиб, $\sum d_D = 0,15 \leq 1$ га тенглиги ва кейинги ўринда E-фермер хўжалиги $\sum d_D = 1 \leq 1$ аниқланди. Қолган фермер хўжаликларида $\sum d_{AB} \leq 1$ шарт бажарилмаганлиги учун уларда бошқарув самарадорлиги кўп тармоқли фермер хўжаликларига нисбатан пастлиги аниқланди.

Охирги ядро энг яхши альтернативаларни ўз ичига олади. Ядролар кетма-кетлиги сифатдаги альтернативаларнинг тартибини белгилайди. Берилган даражалар учун альтернативалар тўплами номуносивлик ёки эквивалентлик жиҳатидан доминант бўлмаган элементларнинг ядросини ажратиш туради. Даражалар ўзгарганда, маълум ядродан кичикроқ ядро ажратилади ва ҳоказо. Таҳлилчи қарор қабул қилувчига турли хил ядролар шаклида муаммонинг ечимини таклиф этади. Охир-оқибат, сиз яхшироқ бирини танлашингиз мумкин. Шу билан бирга, келишув ва келишмовчилик кўрсаткичлари якуний хулоса чиқарилган маълумотларга нисбатан «устуворлик» даражасини тавсифлайди (3-жадвал).

3-жадвал

Фермер хўжаликларининг самарали бошқариш устуворлиги¹⁶

	A	B	C	D	E
A	-	+	-	+	+
B	-	-	+	+	+
C	-	+	-	+	-
D	+	-	+	+	+
E	+	+	-	+	+

Жадвал қабул қилинган қарор самарадорлигини асослаб беради. Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, жуфт таққослаш билан (энг кўп «+» олган) D – «Гулҳумор» кўп тармоқли фермер хўжалигининг бошқарув самарадорлигининг устуворлиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, ҳозирги шароитда ихтисослашган фермер хўжаликларини кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш нафақат қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантиришга балки келгуси истиқболлини яратишга ҳам имкон яратади. Ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг келгуси истиқболи кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятига боғлиқ бўлиб, хўжаликнинг ривожланиши уни самарали бошқариш асосида амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, кўп тармоқли фермер хўжаликлари қандай маҳсулот ишлаб чиқармасин ва қандай хизмат кўрсатмасин унинг ривожланиши ҳамда истиқболи албатта, самарали бошқаришга боғлиқ бўлиб, бунинг учун илғор фермер хўжаликлари тажрибасидан фойдаланиш энг яхши усул ҳисобланади.

¹⁶ Муаллиф ишланмаси.

Диссертациянинг «Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини самарали бошқариш истиқболлари» деб номланган учинчи бобида кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш истиқболлари, самарали бошқариш механизмларини такомиллаштириш ҳамда бошқарув самарадорлигини баҳолашга бағишланган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш омиллари доимий равишда ривожлантирилиб келинган. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти мамлакатимиз тараққиётининг иқтисодий асосининг катта қисмини ташкил этади. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоғида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида вужудга келган кўп укладли иқтисодиёт, энг аввало, хусусий мулкка асосланувчи фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ривожланиши ҳамда иқтисодий барқарор хўжалик юритиш субъектларига айланишига боғлиқ ҳолда ривожлантириб келинмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қисқа давр мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳаси деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик соҳалари ривожлантирилиб, фермер хўжалиги ҳамда деҳқон хўжалиги тизимларига ажратилди. Олиб борилган илмий изланишлар натижалари ва соҳани ривожлантириш учун ишлаб чиқилган қонун талабларига биноан ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштиришда, асосан мамлакатда қишлоқ хўжаликги маҳсулотларини етиштириш ҳамда уни қайта ишлашга бўлган эҳтиёжни, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада қишлоқ хўжалиги соҳаларини истиқболлини белгилаш, соҳани ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқишда олиб борилаётган илмий-амалий тадқиқот ишлари ҳам амалиётга кенг қўлланилиши натижасида бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаларининг янги тизимларини яратилишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.


Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқаришнинг ўзига ҳос тамойиллари мавжуд бўлиб, бунинг учун республикаимизда фаолият кўрсатаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш, ривожлантириш, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб қувватлаш, истиқболларини белгилашга қаратилган бир қатор қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқариш ўзига ҳос услубни талаб этади. Бунда нафақат хўжаликни бошқариш балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришдан тортиб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига олиши ҳар бир фаолиятни бошқариш ҳамда нозрат қилишни талаб этади.

Бошқариш яъни менежмент шундай тушунчалар занжири билан тавсифланади: мақсад - вазифалар - функциялар - структура. Шунини таъкидлаш керакки, вазифалар ва функциялар ўртасида аниқ чегара йўқ. Таркиб нуқтаи назаридан, вазифани уни ечишга йўналтирилган функцияларнинг концентрланган ифодаси сифатида кўриб чиқиш мумкин, шунинг учун уни кенгайтирилган, яъни яхлитланган функция сифатида кўриб чиқиш одатий ҳолдир. Давлат манфаатлари нуқтаи назаридан қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқаришнинг асосий вазифалари бу мамлакатни, аҳолини озиқ-овқат, иш, даромад ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан таъминлашдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқарув тизимининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатадиган бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга (7-расм).




7-расм. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришни бошқариш тизимига таъсир кўрсатувчи хусусиятлар.¹⁷

